ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ЁРДАМИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хуршида Бахадировна Алимова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Биология кафедраси биринчи босқич магистри

Бахтиёр Рамазонович Рамазонов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Биология кафедраси ўқитувчиси, биология фанлари фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда таълим методларини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишлардан бири интерфаол таълим ва тарбия усулларини жорий қилиш, ўқувчининг далиллар, қоидалар, схемалар, жадваллар билан ишлашлари, тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: ташхислаш, исботлаш, ўлчаш, назорат қилиш, асослаш, маъқуллаш, баҳолаш, текшириш, солиштириш, қиёслаш каби тушунчалар тўғрисида фикр юритилади. Шу билан бирга интерфаол интерфаол методларни қўллашда ўқувчиларнинг ѐш, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса, дарс самарадорлиги янада ошиши, бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирлик ва интуицияга эга бўлишлари тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: интерфаол таълим, малака, билимдонлик, баҳс-мунозара, мустақил фикрлаш, таксономия, тафаккур, субъект, мантиқ.

DEVELOPMENT OF SKILLS IN SCHOOLS THROUGH INTERACTIVE TRAINING

Khurshida Bakhadirovna Alimova
Master student of the 1st course of the Department of Biology
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Bakhtiyor Ramazonovich Ramazonov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region, Doctor of Philosophy in Biological Sciences (PhD)

ABSTRACT

In this article, one of the main directions for improving teaching methods today is the introduction of interactive teaching and learning methods, the work of students with evidence, rules, diagrams, tables, examples of verbs corresponding to the level of thinking: diagnostics, proof, measurement, control, justification, approval, assessment, check, compare, compare. At the same time, the use of interactive methods taking into account the age, psychological characteristics, worldview, life experience of students will increase the effectiveness of the lesson, which will lead to professionalism, competence, knowledge, sensitivity and intuition on the part of teachers.

Keywords: interactive learning, skills, knowledge, debate, independent thinking, taxonomy, thinking, subject, logic**.**

КИРИШ

Ҳозирда таълим методларини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишлардан бири интерфаол таълим ва тарбия усулларини жорий қилишдан иборат. Интерфаол усулларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, ҳар бир мавзуни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, ўз фикрини эркин баён қилиш, уни асослаган ҳолда ҳимоя қила билиш, соғлом мулоқот қилиш, баҳс-мунозара олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бу масалада америкалик психолог ва педагог Б.Блум билиш ва эмоционал соҳалардаги педагогик мақсадларнинг таксономиясини яратган. Бу Блум таксономияси деб номланади. Таксономия-борлиқнинг мураккаб тузилган соҳаларини таснифлаш ва системалаштириш назарияси деган маънони билдиради. Унга кўра тафаккурнинг ривожланиши билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, баҳолаш даражаларида бўлади. Булар қуйидаги белгилар ҳамда ҳар бир даражага мувофиқ феъллар намуналари билан ҳам ифодаланади.

Жумладан: билиш-дастлабки тафаккур даражаси бўлиб, бунда ўқувчи атамаларни айта олади, аниқ қоидалар, тушунчалар, дадиллар ва шу кабиларни билади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: қайтара билиш, мустаҳкамлай олиш, ахборотни етказа олиш, айтиб бера олиш, ёзиш, ифодалай олиш, фарқлаш, таний олиш, гапириб бериш, такрорлаш каби тушунчалардан иборат.

Тушуниш даражасидаги тафаккурга эга бўлганда эса, ўқувчи далиллар, қоидалар, схемалар, жадвалларни тушунади. Мавжуд маълумотлар асосида келгуси оқибатларни тахминий тафсифлай олади, хулоса чиқараолади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: асослаш, алмаштириш, яққоллаштириш, белгилаш, тушунтириш, таржима қилиш, қайта тузиш, ёритиб бериш, шарҳлаш, масалани ойдинлаштириш кабилардан иборат. Қўллаш даражасидаги тафаккурда ўқувчи олган билимларидан фақат анъанавий эмас, ноаънанавий ҳолатларда ҳам фойдалана олади ва уларни тўғри қўллайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: жорий қилиш, ҳисоблаб чиқиш, намойиш қилиш, фойдаланиш, ўргатиш, аниқлаш, амалга ошириш, ҳисоб-китоб қилиш, тадбиқ қилиш, ҳал этиш. Таҳлил даражасидаги тафаккурда ўқувчи яхлитнинг қисмларини ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ажрата олади, фикрлаш мантиқидаги хатоларни кўради, далиллар ва оқибатлар орасидаги фарқларни ажратади, маълумотларнинг аҳамиятини баҳолайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: келтириб чиқариш, ажратиш, табақалаштириш, таснифлаш, тахмин қилиш, башорат қилиш, ёйиш, тақсимлаш, текшириш, гуруҳлашдан иборат бўлган тушунчаларни ўз ичига олади.

Умумлаштириш даражасидаги тафаккурда ўқувчи ижодий иш бажаради, бирор тажриба ўтказиш режасини тузади, бир нечта соҳалардаги билимлардан фойдаланади. Маълумотни янгилик яратиш учун ижодий қайта ишлайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: янгилик яратиш, умумлаштириш, бирлаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқиш, тизимлаштириш, комбинациялаштириш, яратиш, тузиш, лойиҳалашдан иборат. Баҳолаш даражасидаги тафаккурда ўқувчи мезонларни ажрата олади, уларга риоя қила олади, мезонларнинг хилма-хиллигини кўради, хулосаларнинг мавжуд маълумотларга мослигини баҳолайди, фактлар ва баҳоловчи фикрлар орасидаги фарқларни ажратади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: ташхислаш, исботлаш, ўлчаш, назорат қилиш, асослаш, маъқуллаш, баҳолаш, текшириш, солиштириш, қиёслаш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

НАТИЖАЛАР

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машғулотларнинг интерфаол методлар ѐрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараѐнида интерфаол методларнинг

ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлайди, қуйида ана шу каби саволларга қисқача жавоб берилади.

Интерфаол таълим инглизча “interact”, русча “интерактив”; “inter” – ўзаро, “active” – ҳаракат қилмоқ деган маъноларни билдириб, талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим деган маънони билдиради.

Моҳиятига кўра, интерфаоллик ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликларини англатади. Мантиқий нуқтаи назардан эса интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат ёки диалог, ўзаро савол-жавоб, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди. Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбат ёки диалогга асосланган ва бу суҳбат ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади.

Интерфаол таълим ўқитиш жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

МУҲОКАМА

Ўқитувчи интерфаол таълим ѐрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баѐн қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол таълим ва тарбияни қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган

ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчилар билан ишлаш жараёнида қуйидаги имкониятларга эга бўлади ҳамда ўқувчиларни ушбу йўналишларга йўналтиради:

- гуруҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлашлари;
- тенгдошлари орасида ўз ғояларини эркин баён қилишлари, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этишлари; ўзларини эркин тутишлари;
- ўқувчиларнинг муаммони ҳал қилишга ижодий ёндошувлари;
- гуруҳ ёки жамоадошлари билан дўстона муносабатда бўлишлари ҳамда руҳий яқинликка эришишлари;
- ўз ички имконият ва қобилиятларини тўлиқ намоён қила олишлари;
- фикрлаш, фикрларни умумлаштириш ва улар орасидан энг муҳимларини саралаб олишлари;
- ўз фаолиятини назорат қилишлари ва мустақил баҳолашлари;
- ўз имкониятлари ва ўзларига бўлган кучга ишонч ҳосил қилишлари;
- турли хил вазиятларда ҳаракатланишлари ва мураккаб вазиятлардан мустақил чиқа олиш кўникмаларини ўзлаштиришлари.

ХУЛОСА

Интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, ўқувчи, ўқувчилар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи ўқувчининг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга. Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Энг муҳими ўқитувчилар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари лозим. Қолаверса, интерфаол методларни қўллашда ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса, дарс самарадорлиги янада ошади. Бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

REFERENCES

1. Н.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Сайфуров, А.Тўраев Инновацион таълим технологиялари. 204 бет.
2. Zakirov, D., & Madaminova, G. (2020). CLUSTER TEACHING METHOD FOR DEVELOPMENT OF ECOLOGICAL EDUCATION AND FORMATION OF ECOLOGICAL CULTURE OF SCHOOLCHILDREN IN GENERAL EDUCATIONAL SCHOOLS. Биология ва экология электрон журнали, 2(2).
3. Rakhimov, A. K., Jononova, R. N., & Egamberdieva, L. N. (2020). Methodological Support Using Innovative Teaching for The Development of Natural and Scientific Outlook of Students methodological Support Using Innovative Teaching for The Development Of Natural And Scientific Outlook Of Students. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(7), 8136-8142.
4. Fayziyev Vahid Bakhramovich, & Vakhabov Abdurasul (2019). The study of the biological properties of potato virus x in common environmental conditions of Uzbekistan. European science review, 2 (1-2), 46-50.
5. Дониёр Уткирович Закиров, & Жасур Хабибуллаевич Гулямов (2020). ЭКСКУРСИОННАЯ МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ПО РАЗВИТИЮ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ШКОЛЬНИКОВ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНА ШКОЛАХ. Science and Education, 1 (Special Issue 1), 37-44.
6. Egamberdieva, L. (2019). Methodical Training Biology Students to Solve Problems. Eastern European Scientific Journal, (1).
7. Закиров, Д. У. (2020). МАКТАБЛАРДА БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎТКАЗИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. Science and Education, 1(7).
8. Рахматуллаева, А. К., & Атабаева, Д. Т. (2020). БИОЛОГИЯ ФАНИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (3).
9. Закиров, Д. У. (2020). ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМДА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. Биология ва экология электрон журнали, 4(2).
10. Zakirov, D., & Madaminova, G. (2020). Ekologik ta'limni rivojlantirish va umumiy o'rta maktablarida o'quvchilarning ekologik madaniyatini shakllantirish. Биология ва экология электрон журнали, 2(2).
11. Муталов, К. А., Рамазонов, Б. Р., & Закиров, Д. У. (2020). Полукустарничковая растительность Юго Западного Кызылкума Материалы международной научно-практической конференции «Охрана и рациональное использование природных ресурсов Южного Приаралья» г.
12. Муталов, К., Рамазонов, Б., Закиров, Д., & Гулматова, М. (2020). ПОЛУКУСТАРНИЧКОВАЯ РАСТИТЕЛЬНОСТЬ ПАРТЕКОВАЯ

ФОРМАЦИЯ CONVOLVULETA HAMADAE. Academic research in educational sciences, (2).
13. Аманов, Б. Х., & Саманов, Ш. А. (2020). НАСЛЕДОВАНИЕ И ИЗМЕНЧИВОСТЬ ПРИЗНАКА ДЛИНЫ ВОЛОКНА У РАСТЕНИЙ F1-F2 ПОЛУЧЕННЫХ ПУТЁМ ГИБРИДИЗАЦИИ ЛИНИЙ И СОРТОВ ВИДА G. BARBADENSE L. ТЕОРИИ, ШКОЛЫ И КОНЦЕПЦИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НАУКИ, 12.
14. Muminov, K., Ernazarova, Z., & Amanov, B. (2020). Cluster analysis of valuable economic traits in amphidiploid cotton hybrid plants. EurAsian Journal of BioSciences, 14(2), 4973-4981.
15. Zakirov, D. (2020). ECOLOGICAL EDUCATION IN PRESCHOOL INSTITUTIONS. ACTA NUUz, 1(4), 72-74.